

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№36-37 (7013-7014)
1999йил, 4 ноябрь

Сотувда эркин нархда

ЧЕМПИОНЛАР ҲАМ ҲАЯЖОНЛАНАДИ

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 17-касб-ҳунар мактабида қўшалоқ байрам. Шу мактаб талабаси Фазлиддин Сокиев бу йил Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги каратэ бўйича ёпиқ жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритиб қайтди.

Шу мактаб талабаси жаҳон чемпиони! Фахрланишга арзигулик ҳодиса.

Чемпионни «Пан тоға» гуруҳи учрашувга таклиф қилди. Шу гуруҳ ижодкорлари «Таянч» деб номланган талабалар қўшиғини қўйиб берди. Бу маънода ҳам Фазлиддин Сокиев биринчилардан бўлди. Негаки, бу қўшиқни студиядан ҳозиргина олиб келинганлиги сабаб, мактаб ўқувчиларидан ҳеч ким эшитмаган. Фазлиддин бу қўшиқни чемпионларга хос виқор билан тинглади:

*Эркин нурли, тонглар отар,
Тонгни икки сўз уйғотар.
Бир шербилак ва бир дилбар,
Икки қоракўз уйғотар.*

Қўшиқнинг шу нақоратини тинглаган чемпионнинг кўзлари яшнаб кетди.

-Ҳа, ҳақиқий мадҳия бўлибди. Талабалар мадҳияси!-деб юборди чемпион мадҳиянинг сўнггида. Унинг бу ҳаяжони бошқа тингловчиларга ҳам юқди. Ҳозир шу қўшиқнинг давомини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

*Элда умид уйғонадур,
Истиқлолнинг шамоли бу.
Ёш кўнгиллар тўлғонадур,
Эртанги кун камоли бу.*

*Истиқболнинг пойдевори,
Мустақкам бўлмоғи учун,
Юртинг таянч, мадаккори-
Ёшлар сарф айлайдур кучин.*

*Аждодларму, тутар кўзгу,
Авлодлар қилар тантана,
Академик лицейлар-у,
Хунар коллежлари мана.*

*Ватан-улуг бир оила,
Унда даврон сурармиз биз,
Шижоатли ёшлар билан,
Янги замон қурармиз, биз, биз...*

Ч. БАРАКА.

Тошкент кўчаларини биласиз, ким ишга, ким ўқишга, ким эса ўз юмушини бажаришга ошиқади. Йўл транспортлари тирбанд. Одамлар кунлик режаларини бажариш хаёли билан банд.

«Икарус»да кетарканман, автобусдаги тинчлик, одамлар юзидаги хотиржамликдан ҳузурландим. Ва бир пайтлар йўл транспортларида янги газеталар бўлишини эсладим. Ҳоҳловчилар газета сотиб олар ва йўл давомида ўзига ақл ҳамроҳ тонар эди. Аксига олиб, автобусда ҳатто радио ҳам қўйилмаган экан.. Шу пайт автобус тўхтаб, унга мактаб кийимида бир қиз ва бир йигит чиқди ва бараварига «Ассалому алайкум», - дейишди-да орқадаги бўш ўриндиқларга йўналишди. - Ваалайкум ассалом, умрингиздан барака тонинг, болаларим, - деди мен каби зерикиб ўтирган бир онахон. - Биз ҳатто бўш уйга кирсак ҳам салом бериб кирамиз. Лекин катта шаҳарда биринчи бўлиб саломга алик олишим...

Мен «Ассалому алайкум» сўзининг қудратини ёришиб кетган чехраларда кўрдим. Ҳа, ўзимизнинг ўзбеклар ҳаминша бир-бирларига эътибор билан қараб, хол-аҳволларини шу салом-алик орқали англаб келганлар.

-Қайси мактабда ўқийсизлар?
- Ҳақимжон аканинг мактабида.
- Тахтапулдаги 22- мактаби?
- Ҳозир янги бинога кўчиб ўтганмиз...

-Мен ҳам ўқиганман, Тахтапулдаги мактабда. Пўлат Мўмин, Қуддус Муҳаммадий, Мақсуд Қориеву, Эркин Воҳидовларнинг мактаби у.

-Анвар Исроилов, Қутби Носирова, Муқаддас Абдусаматова каби журналист ва ёзувчи шoirлар ҳам ўқишган.

Қиз йўловчиларнинг гапини тинглар экан, қувонч билан: Иккита генерал Собир Раҳимов ва Собиржон Охунжоновлар ҳам бизнинг мактабда ўқишган, - деди.

-Ҳақимжон аканга раҳмат, болам! Бизга ҳам устоз эдилар, мана энди набирам тенги сизларга ҳам устоз улар. Мактабда қандай янгиликлар бор?

-Домламиз аълочи ўқувчиларни рағбатлантириб, ёзувчи шoirларни

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

кўнайтириб юрибдиларми?

-Ҳар кунги бир янгилик яратардилар. Одоби, одамийликни биз ҳам мактабда ўрганганмиз-да...

Одамлар мактаб довури ҳақида гапирар экан, қиз менга «Истиқлол гунчалари», «Ёш ватанпарварлар» каби гуруҳларнинг иш услуби ва низоми тузилгани, болакайлар уларни оммалаштириш учун елиб-югуриб юришгани ҳақида айтди. «Тонг юлдузи» газетаси ходими эканлигимни билишиб, газетада эълон қилинаётган



мақолаларга фикрларини ҳам билдира кетишди. Суҳбатимизга саломга алик олган онахон ҳам аралашди:

-Ҳали ҳам болалар учун газета чиқадими-а? Бир вақтлар «Ленин учқуни» номи билан чиқарди. Уйимизда мактабга қатнайдиغان беш ўғил-қиз ҳаммамиз шу газетага обуна бўлишга мажбур эдик. Ўйлаб қарасам, совет тузumi ўз сиёсатини газета орқали одамлар онига хўп сингдирган экан-да! Мен ҳозир болалар учун «Тонг юлдузи» газетаси чиқишини билмаслигимдан уялиб кетдим.. Ўғил-қизларим ўз газетамизга ёзиламиз дейишса, йўқ, дейманми? Сақич-у, курт-писталар учун ҳам ҳар кунги беш-ўн сўм пулни сарфлаб юборишди улар...

-Бизда «Маънавият асослари»дан Нодири она Шарипова дарс берадилар. «Тонг юлдузи»нинг янги сонларини ҳатто обуна бўлмаганлар учун ҳам газета дўкончасидан сотиб олиб, бизга келтирадилар ва дарс соатларида ундан фойдаланадилар...

Қизнинг ҳозиржавоблиги, билимдонлиги, газетхонлигидан эканлигига шубҳам қолмади. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳақимжон ака Ҳошимов мактабидан чиққан Жаҳонгир Ҳошимов шу кунларда Лондонда,

Шерзод Шерматов эса Вашингтонда ўз

билимини ошираётганидан хабарим бор эди. Айримлар бозор

сиёсати сабаб деб, ҳатто ўқув қуроллари учун ҳам тўғри маблағ ажрата олмаётган шу кунларда Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб ўқувчилари янги йил учун ўз нашрларига обуна бўлишни бошлаб юборишган. Юртимизга буюк инсонларни берган мактаб ҳар қандай шароитда ҳам ўз анъанасига содиқ. Чунки бу даргоҳда қатъиятли инсонлар хизмат қилишди. Мақсади- болаларга сабоқ бериш. Болалар эса ўз нашрлари- «Тонг юлдузи»ни албатта ўқишлари керак.

Сизда-чи, азиз устозлар, Сизнинг ўқувчиларингиз ўз газета ва журналларини танишадими? Имоним комилки, ҳаммаси эмас. Буни газетамизга обуна кетаётган шу кунларда яққол англаш мумкин. Айрим мактаб раҳбарлари бизга вилоят, республика газета ва журналларига албатта обуна бўлинг, деган хат келган, «биз

бунча обуна пулини қайдан оламиз? Ота-оналарга жабр бўлади-ку», деб жавоб беришдан ҳам уялмайдилар. Бейхтиёр ўйлаб қоламан, мамлакатимизда болалар учун санокли газета ва журналлар чои этилади. Хукуватимиз ҳар қандай шароитда ҳам болалар учун ўз нашрлари мунтазам чои этилиши учун уринаётган шу кунларда ёш муштарийларимиз ўз газета ва журналларини нега ўқишлари керак эмас? Қолаверса, ҳеч қачон бу ҳақда болаларнинг ўзлари ўйламайди. Улар ота-оналарига урф бўлган кўйлак-шим олиб беринг, -деб туришлари ёки ҳар кунги ялтироқ қоғозли ширинлигу, сақичлар учун ҳархаша қилишлари мумкин. Аммо обуна мавсуми ўткинчи эканини билишмайди. Бунинг учун Ҳақимжон ака Ҳошимов, Нодири она Шарипова каби боланарвар устозлар қайғурадилар. Улар сабаб, «Ассалому алайкум», деб кўнгилларни кўтарган зукко ўқувчиларимиз сони кўнаёверди. Чунки «Тонг юлдузи» ҳам ўз ўқувчилари билан учрашганда энг аввало одобдан, ўзбекликдан, аждодлар ва авлодларга ҳурматдан гап бошлайди. Мехр-оқибатни улуглайди.

Кумуш.

МАКТУБЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Азиз болажонлар! Таҳририятимизга сизлардан кўплаб мактублар келмоқда. Мактублар турли мавзуларда ёзилган бўлиб, баъзиларида шеър ва мақолалар, баъзиларида эса таклифлар, тилаклар, дил изҳорлари... Асосан, тенгдошларингиз ўз мактаблари, устозлари, ўзларини қизиқтирган мавзулари ҳақида ҳикоя қиладилар. Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги тенгдошларингиз хат ёзишда фаоллар.

Сизларнинг эътиборингизга мактублардан айримларини ҳавола қиляпмиз.



УНВОН МУБОРАКИ

Узоқ йиллардан буён ўз касбига меҳр қўйиб ишлаб келаётган устозимиз Муҳаммадвали Маматвалиевни туманда танимайдиган киши бўлмаса керак. Устозимиз салкам чорак асрлик умрларини ёш авлод тарбиясидек шарафли ва машаққатли ишга сарфладилар. Улар бизларга она тили ва адабиёт фанидан билим бериш учун тинмай изланадилар.

Устозимиз ўтган ўқув йилида «Халқ таълими аълочиси» фахрли унвонига сазовор бўлдилар. Бахтимизга устозимиз доимо соғ бўлсинлар!

Ҳилола ҲАЙДАРОВА,
Наманган вилояти,
Чортоқ туманидаги
Мирзо Улугбек

номли 22-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

«Тонг юлдузи» ижодкорлари ҳам устоз М. Маматвалиевни юксак унвоплари билан қутлаймиз. Доимо шогирдлари ардоғида юришларини тилаб қоламиз.

Таҳририятимизга устозларингиз ҳам мактуб йўлланган. Қуйида ана шу мактубни эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

ЎЗРИМИЗНИ ЕТКАЗ...

Салом дўстим «Тонг юлдузи»!


Биз қувалик ўқувчилар ўз шаҳримиз билан фахрланамиз, лекин орамизда шундай ўқувчилар бор экан-ки, ўз шаҳрини, вилоятини тарихини билишмас экан.

Куни кеча «Ёшлар» телеканали орқали «Худуд» кўрсатувида шаҳримизга таъриф беришди. Шаҳримиз шундай чиройли экан-ки... Афсус, ҳамма гап чиройда бўлса эди...

Журналистнинг «Ал-Фарғоний ким?» саволига ўқувчи умуман нотўғри жавоб берди. Наҳотки, шундай аллома, олим ҳақида ўқувчи тушунчага эга эмас. Йил мобайнида таълим берган ўқитувчи ўғитларига кулоқ солмаган.

Азиз «Тонг юлдузи»! Биз сен орқали айрим лаёқатсиз ўқувчиларимиз учун «Худуд» кўрсатуvidан узр сўраймиз.

Дилфуза МАЪМУРОВНА,
Фарғона вилояти,
Кува туманидаги
1-гимназия ўқитувчиси.



ЎТМИШИМИЗ КЕЛЯЖАХ ЎЎҚ

Ўтмишимизни тиклаш биз ўқувчиларнинг ҳам вазифамиздир. Она тили ва адабиёт ўқитувчимиз ва бир гуруҳ ўқувчилар ўтмишимиз ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида кекса онахон ва отахонларимиз хонадонларига йўл олдик. Уларга кўплаб саволлар бердик. Ҳозирги ёшлар ва уларнинг ёшликларини умумий фарқини сўраганимизда «Олдинги ёшлар содда, ишонувчан бўлган, ҳозирги ёшлар эса ўз ишига пухта, жасур, ўзига ишонувчан, мустақил иш тута оладиган бўлиб тарбияланмоқда», - дея жавоб беришди. Уларга, «Беғубор ёшлик чоғларингиз қайси йилларга тўғри келган?» деб савол бердик, бу саволимиз билан уларнинг кўнгилларини оғритиб қўймадикми, дея ҳижолат чекдик. Чунки, уларнинг ёшлиги уруш даврига тўғри келган экан. Уруш уларни оталаридан, акаларидан ва яқинларидан айирган экан. Ўша вақтларда билим олиш учун шароит етарли бўлмаган, ёшлар далада оғир меҳнат билан машғул бўлганлар. Ўз ватанларини ёвдан ҳимоя қилиб, не-не қийинчиликларни бошларидан кечирмаган эканлар.

Хуллас, биз ўзимиз излаган саволларга тўлиқ жавоб олиб, бой маданий меросимиздан баҳраманд бўлиб қайтдик. Экспедициядан олган барча маълумотларимизни тўплаб, Ўзбекистон ёшлари учун кичик бир китоб чоп эттирмақчимиз. Бу ишларга бошчилик қилганлари учун устозимиз Сайидмуродовага миннатдорчилик билдирамыз.

Орғада СУЮНОВА,
Самарқанд вилояти,
Иштихон туманидаги 30-мактабнинг
8-синф ўқувчиси.

File Edit Special

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР БЕРИШСЯ

Салом севимли газетам «Тонг юлдузи»!

Мақтабимизда кўп йиллардан бери тайёрлов курси иш олиб боради. Тайёрлов курсида ўқишга кирмоқчи бўлган ака-опаларимиз билимларини оширадилар. Албатта уларнинг ўқишга кириб олишларида тайёрлов курсининг аҳамияти катта бўляпти. Шу йили ўқувчилардан учдан икки қисми олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга киришди. Бундай ютуқларга эришишда самарали меҳнатлари билан С.Бекназаров, М. Нурмаматов, О.Назарова ва шу каби муаллимларимиз ўз ҳиссаларини қўшишди. Катта ютуқларга эришиш учун замонавий техниканинг ўрни юқори. Мақтабимизда «Агат» компютери бор. Бор-у, лекин уч йилдан бери ишламайди.

Сендан илтимос, мутасадди раҳбарларга эслатиб қўйсанг, бизга янги замонавий компютер беришса. Мақтабимиз ўқувчилари учун катта совға бўларди. Ҳеч бўлмаса, эски компютеримизни ишлатиб беришсин.

Беҳзод ТУРДИЕВ,
Навоий вилояти,
22-мактаб ўқувчиси.

Салом «Тонг юлдузи»!

Сенинг ҳар бир сонингни қолдирмай ўқиб бораман. Ундаги қизиқарли мақолалар, хат-хабарлар, ёш ижодкорларнинг шеърлари эътиборимни ўзига тортади. Мен ҳам жажжи ҳикоя, шеърлар ёзиб тураман. Улардан бирини сенга ёзиб юборяпман.

НОВВОТ ҚАНД

Таъми нотли жуда ҳам,

Хузур берар чинакам.

Бежиз сўрамас укам,

Мазза экан новвот қанд.

Шакардан бўлар пайдо,

Дурлари қилар шайдо.

Инсонга қони фойда,

Лаззат экан новвот қанд.

Муҳаммад КОМИЛОВ,
Фарғона вилояти,
Қўқон шаҳри.

Мана, азиз болалар, мактубларнинг айримлари билан танишингиз. Мақтабингиздаги тadbирлар, янгиликлар, сизни қийнаган муаммолар ҳақида ёзиб юборинг. Биз Тошкент, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидан ҳам мактублар кутиб қоламиз.

Мактубларни
ГУЛЮЗ саралади.

Мен бораётган мактаб манзиллини аниқ билмаганлигим учун олдинда кетаётган ўқувчи қизларга етиб олдим ва улардан 105-мактаб қаерда эканини сўрадим. Қизлар ҳам ўша мактабда ўқишларини,

қолиб кетади. Худо хоҳласа, устозларимиз-у, мактабимизнинг юзини ерга қаратмаймиз. Шунинг ҳам кўшиб қўйинг.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича

назорат қиладилар. Шанба куни уларнинг қилган ишлари баҳоланади. Агар қониқарли деб топилса, навбатдаги синфга топширилади. Акси бўлса худди 8-“В” синфига ўхшаб уч ҳафта ҳам

«Ўз уйингни ўзинг асра» мавзусидаги суҳбат ҳам жонли ўтди. Мен болаларнинг сўзларидан ўз она Ватанини, иссиқ уйи, жонажон мактабини бириридан айро севмасликларини сездим.

устозларимиз қанчалик тажрибали бўлишмасин, барибир ҳар куни ишдан кейин эртанги дарс соатига тайёрланадилар,- дедилар менга шу куни ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, физика-математика фани ўқитувчиси Гавҳар Маҳмудова.- Тажрибали устозларимизга ёш ўқитувчиларни бириктириб қўйганмиз. Улар ўз иш услубларини ёшларга жон деб ўргатадилар.

Мактабда турли фан тўғарақлари, хусусан, хор тўғарағи муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Унга мусиқа ўқитувчиси Муҳаббат Собирова раҳбарлик қиладилар. Туманда бўладиган ҳар қандай кўрик-танловларда хор тўғарағи аъзоларининг ўз ўрни, олқишлар билан кутиб олинадиган репертуари бор...

Ўтган йили феврал олимпиадаларида мактаб ўқувчиларига биология фани бўйича туманда биринчи ўрин насиб этди. Физика фанидан эса Республика миқёсига чиқишди.

Мактабдан қайтар эканман, болаларимиз учун етарли шароит яратаётган жонкуяр ўқитувчиларимиз борлигидан қувондим. Фарзандларимиз ишончли қўллардадир, деб шивирладим...

Феруза ОДИЛОВА.

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

ҳозир дарсга кетаётганликларини айтишди.

Мен улар билан танишиш мақсадида «Тонг юлдузи» газетасида ишлашман,- дедим.

- Вой, ростданми? - қувониб кетди қизлардан бири. - Менинг исмиМ Мукаррама. Эслаб қоласизми? Мукаррама Турғунбоевани эсласангиз бўлди. Дарров ёдингизга тушади. Дугонаманки эса Гулзода. 8-“В” да ўқиймиз. Мактабимизга нега келаясиз?

- Мактабимиз билан танишмоқчиман. Сиз ҳақингизда ўз газетангизга ёзмоқчиман.

- Опа, бизни ҳам ёзинг. Синфимизни ёза қолинг.

- Хўп, нима деб ёзай?

- ...Тўполончи, деб ёзинг. Яна аълочилар синфи, деб ёзинг. Хуллас, ҳамма ишда биринчи деб ёзинг, майлими?

- Майли. Агар тўполонда ҳам, билимда ҳам биринчи бўлсангиз, ёзганим бўлсин,- дедим.

- Бу шўхликларимиз

директор ўринбосари Муаззам опа Фуломова билан бўлган суҳбатимизнинг бошланиши 8-“В” синфи ҳақида бўлди.

- Чиндан ҳам бу синфда шўх болалар кўп. Лекин шунга қарамасдан, ўқувчиларнинг билим кўрсаткичи юқори. Улар билан алоҳида шугулланиш керак. Ҳар бир ўқувчининг ўз сўзи, фикри, дунёқараши бор. Иқтидорли ўқувчиларимиз ҳам шу синфда кўпроқ деб айта оламан,- дедилар Муаззам опа.

- Мактабимизда ҳар душанба куни «Линейка» бўлиб ўтади. Ун минутлик йиғилишда турли мавзулар

- «Кўча ҳаракати қондалари», «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», «Ёнғиндан сақланинг!», «Соғлом бўлиш сирлари» ҳақида суҳбатлар ўтилади.

Шу билан бирга мактаб бўйича бир ҳафталик навбатчилар синфи белгиланади. Навбатчилар мактабнинг озодлигини сақлайдилар, ўқувчиларнинг формалари, давоматларини

навбатчилик қилишлари мумкин.

Муаззам опа Фуломова шу мактабда йигирма йилдан бери она тили ва адабиёти, бу йилдан эса Ватан туйғуси, Маънавият асослари фанларидан сабоқ берар эканлар.

- Болаларимиз майли, шўх бўлсин, тўполончи бўлсин, лекин ўқишга, ўрганишга бепарво бўлмасинлар. Гоҳида дарсга берилиб кетиб танаффус бўлганини ҳам сезмай қоламан.

Чарчаган дамларимда эса ўқувчиларнинг бир оғиз ширин сўзи менга кифоя.

Муаззам опа билан суҳбатлашиб турганимизда, уларни ўқувчилар йўқлаб келишди. Опа узр, дегандек болалар олдига чиқдилар.

Иккинчи сменада ўқийдиган ўқувчиларнинг дарс соати бошланадиган вақти бўлибди. Душанба куни бўлганлиги учун «линейка»га чақиритибди.

Ўқувчилар мадҳияни ҳаяжон билан қўйладилар.

Уларнинг қувноқ юзларидан эса ХОТИРЖАМЛИКНИ кўрдим. Бу ХОТИРЖАМЛИК сизларни тарк этмасин, дедим.

Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номли 105-мактабда бир ярим мингта яқин ўқувчи таълим тарбия олар экан. Мактаб испан, инглиз тилларига мўлжалланган бўлиб, гимназия ва ҳуқуқшунослик синфлари мавжуд. Бу йилдан эса 5-синфлар учун солиқ синфи ҳам таъкилланаёпти.

Мактабга ўз ишининг билимдони, талабчан устоз - Мирзааҳмад Комилов раҳбарлик қиладилар.

Битирувчиларнинг етмиш фонзи ўзлари хоҳлаган турли ўқув юртларига кирарканлар. Бундай ютуққа эришишда тарих, ҳуқуқшунос фани ўқитувчиси Мавлуда опа Гофурова, физика фани ўқитувчиси Ҳамид Набиҳонов, биология фани муаллими Раъно Аҳмедова каби устозларнинг хизматлари катта.

- Кекса

ТИЛ БИЛГАН - ЭЛ БИЛАР

Дўкондан қайтаётиб, орқадан кимнингдир «Ассалому алайкум» дея ширин овозда салом берганини эшитдим. Бейҳтиёр ортга ўтирилдим. Ўтирилиб ўзбек миллатига мансуб бўлмаган, қисик кўзли корейс қизига кўзим тушди. У билан сўрашиб, исминини сўрадим. У ўзининг исминини, қаердан келганлигини, ўзбек тилини кам билишини тушунтирди. Ва мендан корейсча бирор сўз биласизми деб сўради. Тўғриси айтсам, ниҳоятда уялдим. Чунки, Жанубий Корейнинг Теку шаҳридан келган, исми Ким Жу Иёнъ бўлган бу зеҳин ўткир қиз ўзбек тилини оз бўлсада

билади-ю, ammo мен унга ўзининг тилида бирор нима дейишга ожизлик қилдим. Мана шу учрашувдан англаб етдим-ки,

тил билиш - эл билиш экан. Демак, ҳозирги кунда мактабларда тил ўрганиш қай даражада бормоқда? Мен бу ҳақда ўзим тамомлаган Жиззах вилояти Зафаробод туманига қарашли Ҳабиб Абдуллаев номли мактабни айтиб ўтмоқчиман. Бу мактабда она тили, адабиёт, тарих, математика, география фанлари чуқур ўргатилади. Лекин асосийси: мактабда чет тиллари суёт даражада ўтилади, умуман олганда ўтилмайди деса ҳам бўлаверади. Чунки, бу соҳа ўқитувчилари йўқ. Бу мактабни битирувчи келажак авлод чет тилларни билиш бўйича ниҳоятда орқада. Мана шу заиф томонини ўйлаганимда уларга ачиниш кетаман. Чунки, ҳозирги куннинг чет тилларга талаби юқори. Агар мактабга тегишли мана шу муаммо ҳал этилса, келажакда бу маскан таниқли мактаблар қаторидан жой олади деган умиддаман.

Орзуул РУСТАМОВА,
ТошДУ журналистика факультетининг
1-курс талабаси.

ЎЗР...

Сингилжон, сента жуда ҳам ҳавасим келаяпти. Негаки, сен ҳозир мактаб парталарида меҳрибон устозларингдан мароқ билан дарс олаясан. Биласанми, мен ҳам сендек болалик чоғларимни жуда-жуда соғинаман. Қалбимдаги соғинч куни келиб сенинг ҳам қалбингга кўчиши мумкин. Сен ҳар нарсанинг қадрига етишни ўрган. Дўст, дугоналарингга ёрдам бер. Уларни ранжитма. Мана, йиллар ўтиб мени юрагимни изтиробга солаётган бир воқеа сира

ёдимдан чиқмайди.

... Ўшанда 8-9-синфларда ўқирдим. Бир куни мактабда дугонаман кичкина кўзгучага ўзини солаётганини кўриб қолдим. Югуриб бориб унинг қўлидан кўзгунини олиб қочмоқчи бўлдим. Лекин кўзгуча бехосдан ерга тушди-ю, чил-чил бўлди. Кейин билсам кўзгуча бошқа бир синфдош қизимизники экан. У дугонаманга бақира кетди. Мен жим туравердим. Ҳеч кимдан кечирим сўрамас дугонаман айбни ўз елкасига олди. Кейинчалик ҳар иккала дугонаман кечирим сўрадим. Лекин, ўша кескин дақиқадаги узр ўрнини минглаб узрлар боса олмади.

Демоқчиманки, дугонандан, дўстларингдан ҳеч нарсани аяма. Чунки дўстнинг топилиши, ҳақиқий дўстнинг топилиши жуда қийин.


Умида САОДАТОВА,
Журналистика факультетининг 1-курс
талабаси.

БУЮК ИҚТИСОДЧИ-ЎЗУВЧИ

Оноре де Бальзак (1799-1850) фақатгина XIX асрнинг буюк романисти бўлиб қолмай, у шу бугуннинг ҳам энг забардаст ўзувчиларидан биридир. Бальзак ўзи яшаган даврни бутун иккичирилари билан ёрқин тасвирлаган қаламкаш. Бальзак ижодининг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у тарихнинг бутун бир даврини тасвирлаб, таҳлил этиб берди. Унинг қахрамонлари - врачлар, судьялар, давлат арбоблари, савдогарлар, хунарамандлар образлари китобдан китобга ўтган сайин ёрқинлашиб боради.

Бальзакнинг шох асари - "Инсоният комедияси" бир нечта романдан ташкил топган улкан эпопеядир. Бу асарда Франциянинг XIX асрдаги ҳаёти жуда чуқур акс этган. Эпопеянинг асосий романлари - "Горио ота" ва "Евгения Гранде" ўзбек ўқувчиларининг ҳам сеvimли асарларига айланган.

ХАЗИНА ОЛТИНИ БИЛАН БЕЛГИЛАНИЛАДИ



Металл тангаларни, расмли қоғозларни биз пул деб ўрганиб қолганмиз. Аслида эса улар пулнинг тимсоли, рамзи холос. Улар ўзича ҳеч қандай аниқ қийматга эга эмас.

Пул уни чиқарган давлатнинг хазинасидан олтиннинг элчиларидир. Хазинада қанча олтин бўлса, ўшанга мутаносиб равишда қоғоз пул чиқарилади. Ривожланган мамлакатларда пул қадрини белгилаш учун стандарт қилиб, олтин ва кумуш қабул қилинган. Улар камёб ва ўз хусусиятларини йўқотмайди. Айни пайтда бозор эҳтиёжларини қондиришга етарли даражада бор.

1821 йилда Буюк Британия ўзининг пул тизимини қоплаш учун монометалл (яъни, бир хил металл) тартибини жорий этди. Миллий валюта сифатида олтин қабул қилинди. 1914 йилга келиб олтин бутун дунёда ягона валюта мақомини эгаллади. Аниқ қийматдаги олтин воситасида халқлар ва мамлакатлар ўзаро савдо-сотикни осон амалга оширдилар. АҚШ доллари, Франция франки ва немис маркаси ўзларининг олтин қийматига эга бўлди.

1933 йилга келиб кўпгина мамлакатлар олтин стандартидан чиқиб кетдилар. Бироқ кўпгина мамлакатлар, шу жумладан АҚШ доллари ҳамон ўзининг олтин қийматини сақлаб келаяпти. Олтин жаҳон бозорига муҳим аҳамиятга эга. Халқаро қоғозлар ва олдисотдини қоплашда мавжуд олтиннинг бор қисми ишлатилади, қолган қисми эса захирада сақланади. Сақлашга қўйилган олтин мамлакатларнинг олтин захираси дейилади.

ҚАЛАМНИ КИМ ЯРАТГАН?


Ўзувнинг кашф этилиши инсоният таракқиётида жуда муҳим янгилик бўлди. У одамга фикр ва туйғуларини ёзиб ифодалаш имконини берди.

Қалам кашф этилгунга қадар одамлар харфлари ёзиш учун турли воситалардан фойдаланганди. Масалан, қадимда кишилар фикрини ёзма ифодалаш учун учи ўткир тошлар билан қояларга турли белгилар чиздилар. Форларнинг деворларига чизиш-ёзиш учун у бирор ўсимлик шарбатига, ҳатто хайвонлар қонига бармоғини ботирди. Кейинроқ у бир парча қотган лой ёки бўр ёрдамида ёзишни ўрганди. Қадимий Хитойда иероглифларни чизиш учун туянинг жунидан тайёрланган нафис қилқаламни кашф этидилар.

Олимлар илк қалам Мисрда яратилган бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Мисрликлар дарахт новдасига юпка мис парчасини боғлаб сурат чизишган. Ҳозир фанга маълум бўлган биринчи ёзув - бундан 4 минг йил олдин Грецияда ёзилган хатдир. Одамлар бир парча металл ёки фил суяги воситасида хат ёзишни ўрганишди. Кейин ичи говак ўсимлик (камиш ва бошқалар) поясидан қирқиб перо ясалди ва уни рангли суюқликка теккизиб папирус қоғозига ёзиши одат тусига кирди.

Ўрта асрларда қоғоз кашф этилгач, одамлар роз, қарға, оккуш кабиларнинг паида ёзишга ўтишди. Бугун биз перо деб атайдиган буюм номи инглиз тилидан олинган. Аслида у инглиз тилига лотинча "қуш паи" иборасидан ўзлашган.

Пўлат перо 1780 йилда Англияда пайдо бўлди, бироқ у 40 йилга машҳур бўлмади. Авторучка эса 1880 йилда Америкада яратилди. Америкаликлар хат сувалиб кетмасин деб, перони олтиндан ясади. Шарикли ручка эса XX асрнинг кашфи. Унинг учидида шарча хромланган бўлиб, диаметри 1 мм. У ручкани юритган сайин айланиб қоғоз устида ўз изини қолдиради.



ФАЗОГИР ДЕБ КИМНИ АТАЙМИЗ?

Космик кеманинг бошқарувчи учувчиси ва борти ичидаги экипаж аъзоларини космонавтлар ёки астронавтлар дейилади.

1961 йилда илк бора рус офицери Юрий Гагарин космосга парвоз қилди ва Ер атрофини айланиб чиқди. Гагарин фазодан ерга эсон-омон қайтиб тушган биринчи инсондир.

1919 йилнинг 20 июлида Нейл Армстронг (АҚШ) Ойга қадам қўйган биринчи инсон бўлди. Унинг ўзи бу воқеани шундай шарҳлаган: "Бу бир кишининг кичик қадами, лекин инсониятнинг катта сакрашидир".

Одатда космик кемалар (ичидаги экипаж аъзолари сонидан қатъи назар) автоматик тарзда бошқарилади. Яъни, уларни учиш марказидан бошқариб туришади. Бироқ фазода кемаларни туташтириш жараёни кемани космонавтларнинг ўзлари мустақил бошқаришига ҳам тўғри келади.

Фазога учишга даъвогарлар мутахассислар томонидан жуда чуқур текширилади, қаттиқ тайёргарлик машқларида синаб кўрилади. Улар орасида жисмоний машқлар биринчи ўринда туради. Чунки парвоз вақтида космонавт жуда катта қийинчиликларга бардош бериши даркор.

Шу сабабли космонавт бўлишни орзулаган ҳар бир бола ёшлигидан кўп ўқиши, соғлом ўсиши, ўзини чиниктириши керак.

МАШҲУРЛАРГА ОСОНМАС

яъни Майкл Жексонни чодра ҳам яшира олмади

Сиз машҳур қўшиқчи Майкл Жексон ўзининг қоп-қора танаси терисини оққа алмаштиргани, юз қиёфасини ҳам чиройли қилиш орзусида бир неча марта жаррохлар қўлига тушиб-чиққанини яхши биласиз. Лекин санъатда юксак чўққиларни забт этган бу эстрада юлдузига кўркамлик ҳеч насиб этмапти. Унинг териси қайта-қайта турли шаклга солинавверганидан бечоранинг юз кўриниши шу даражага келиб қолганки... Майкл концертларда юзига никоб кийиб қўшиқ айтади...

Яқинда Майкл Жексон яна бир таваққал қилиб жаррохлик столи томон отланди. Лекин Америкада унинг кўчага чиқиши осон эмас: мухлислар дарёси доим уни ўраб олади. Шу сабабли қўшиқчи бу гал араб аёллари кийимига буркалиб кўчага чиқди. Аммо қип-қизил кўйлакли, пешонаси бўйлаб рўмол тангиган, юзининг кўзидан бошқа ҳамма қисмини чодрада ўраган бу "хоним"ни одамлар дарров таниб олишди. У жарроххонага кета ту-



риб, худди сайёҳга ўхшаб дўконларни оралаб ўтди, унинг мухлислари ҳам, журналистлар ҳам кунни бўйи қўшиқчинини ортидан қолмадилар.

Синчковлик деб шунга айтсалар керақ-да!

Сиз-чи, азиз ёш иқтисодчилар? Шахрингизда биров никобга бурканиб юрса, унинг кимлигини билишга қизиққанмисиз? Унинг шахсини аниқлашга интиласизми? Ҳа, бу борада америкалик болалардан ибрат олинса арзийди!

СИГУРҶА... ФЕРМЕР КЕРАК?

Мана, 7 йилки, Олмониядаги Донауверт шаҳарчаси кўчаларида болаларнинг овунчоғи - бир ола сигир ўтлаб юради. Уни ўтган жойларда болалар сигирга сув беришар, майсазорларда "мехмон" қилишарди. Бу жонивор сут ичишни истаганларни бир пиёла-бир пиёландан сут билан сийлаб ҳам

ўтарди. Шу тарика ола сигир немис болаларининг овунчоғигина эмас, дўсти, фахрига айланиб кетган эди.

Яқинда мана шу сигирнинг эгаси кексайиб қолгани сабабли қариялар уйига кетмоқчи бўлди ва кетиш олдида сигирини гўшт комбинатга сотишга аҳд қилди. Ола сигир эса бу ният-

ни сезгандек, бир ҳафта олдин йўқолиб қолди.

Нихоят уни полициячилар 7 кун дегадана қидириб топишди ва эгасига келтиришди. Қария эса ўз навбатида уни гўшт комбинатига олиб борди. Худди шу пайт шаҳар радиосида болаларнинг "Ола сигирни кутқарамиз! Уни қассоб қўлига топширмаймиз!" деган хитоби янгради. Эртасига болалар пул тўплаб, ўзларининг кадрдон

ола дўстини қассобдан сотиб олишди. Энди улар бу жониворни текинга қабул қилиб оладиган фермерни излашмоқда.



Диққат, конкур: XXI аср фани бўйича

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариков ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалларини ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс еолибларини **телевизор,**
магнитофон,
аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс еолиблари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

БАНКЛАР

4 - ДАРС

БАНКЛАРНИНГ БОШҚА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

Банкни аҳоли ва корхоналар омонатларини сақлайдиган ва уларга қарз бериб турадиган муассаса, деб таърифлашимиз мумкин. Банклар аҳоли ва корхоналарга пул билан боғлиқ хизматлар кўрсатади.


Банк иши билан шуғулланувчиларни **банкирлар**, банк хизматидан фойдаланувчиларни эса **банк мижозлари** деб аташади.

Банклар мижозларининг омонатларини сақлаш ва уларга қарз беришдан бошқа мижозларининг пул билан бўладиган барча ҳисоб-китоб ва пул тўлаш ишларини бажаради, чет эл пулларини ва қимматбаҳо қорозларни сотиб олади ва сотади.

Куйидаги мисолда банкнинг мижозларига пул тўлаш ишларидаги хизматини кузатайлик.

“Шохжаҳон” фирмаси “Сармоябанк”нинг мижози ҳисобланади. “Усто” фирмасига эса “Асакабанк” хизмат кўрсатади. Бу фирмаларнинг банкларида ўз ҳисоб варақлари очилган бўлиб, унда уларнинг пул маблавлари сақланади. “Шохжаҳон” фирмасининг ҳисоб варағида 250000 сўм бўлиб, бу пулнинг 100000 сўмига, “Усто” фирмасидан китоб жавонлари сотиб олмоқчи. Бунинг учун “Шохжаҳон” фирмаси “Сармоябанк”ка, 100000 сўм пулни “Усто” фирмасининг “Асакабанк”даги ҳисоб варағига ўтказишни сўраб, махсус хужжат билан мурожаат қилиб топшириқ беради. Шу кунгича бу пуллар “Сармоябанк”даги “Шохжаҳон” фирмаси ҳисобидан, “Асакабанк”даги “Усто” фирмасининг ҳисобига ўтказилади. Ўз банкига бориб, бунга ишонч ҳосил қилган “Усто” фирмаси китоб жавонларини “Шохжаҳон” фирмасига юклаб жўнатади.


Кўриб турганингиздек, бу тўлов хизмати нақд пулсиз, пул ўтказиш йўли билан амалга оширилди. Хизматнинг бундай тури ҳамма учун маъқул ҳисобланиб, харидорни ўз банкдан пулни олиб, сотувчига бериши, сотувчини эса ўз навбатида бу пулларни ўз банкига топшириши билан боғлиқ ишлардан соқит қилади.



Нақд пулсиз пул ўтказиш.

Банклар мижозларига қулайлик яратиш мақсадида уларга электрон кредит картачалари ҳам беради. Бу пластик картачаларда, худди компьютер дискеталарига ўхшаб, карточка эгаси, пул маблагининг миқдори, қаерда ва қайси банкдаги ҳисоб варақда сақланаётганлиги ёзилган бўлади. Товар сотиб олинаётганда, бу карточка махсус электрон мосламага тикилиб, кимга қанча миқдордаги маблаг, қайси банкдаги ҳисоб вараққа ўтказиш кераклиги ҳақидаги маълумот киритилади. Шу киритилган маълумотга кўра, карточкада кўрсатилган ҳисоб варақдан айтилган сумма чегирилиб, сотувчининг банкдаги тегишли ҳисоб варағига ўтказилади.

Шунингдек, банклар нақд пул берадиган банкоматлар орқали ҳам хизмат кўрсатишади. Бу банкоматга карточка тикилиб, керакли пул миқдори ҳақидаги маълумот киритилса, банкомат дарҳол айтилган миқдордаги нақд пулни чиқариб беради.



Нақд пул берадиган банкомат

Банк хизматининг бундай туридан фойдаланилганда, нақд пулни ёнда олиб юриш зарурати қолмайди. Чунки исталган пайт кўчаларда ўрнатилган бундай автоматлардан зарур нақд пулни олиб ишлатиш мумкин бўлади.

4 - ТОПШИРИҚ

БАНКЛАРНИНГ БОШҚА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

1. Банк аҳолига қандай хизмат турларини кўрсатиши мумкин?

Жавоб:

2. “Само” фирмаси “Учқун” фирмасидан 480000 сўмлик товарни харид қилмоқчи. “Само” фирмасига “Алоқабанк”, “Учқун” фирмасига “Инвестбанк” хизмат кўрсатади. Бу олди-сотди жараёни банклар иштирокида қандай тартибда амалга оширилиши тархини чизинг.

3. Нотўери жавобни топинг.

- A. Самолёт паттаси
 - B. Дўкдан харид
 - C. Дехқон бозоридан харид
 - D. Давлат солиқлари
 - E. Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик жаримаси
- учун пул тўлашни банк орқали амалга оширса бўлади.

4. Шаҳар электр тармоғи корхонаси учун “Энергобанк” хизмат кўрсатади. Корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами N23050042073080592143, банкнинг махсус коди 10455. Сизнинг уйингиздаги электр ҳисоблагичининг кўрсаткичи бир ойда 720540 дан 720730 га ўзгарган бўлиб, 1 квт. соат электр энергиянинг нархи 3 сўм бўлсин. Электр энергия учун пул тўлашга банкка борганингизда сизга қуйидаги тўлов варақасини беришди.

Шаҳар электр тармоғи бошқармаси			
Тўлов қабул қилувчи	Олувчининг банки	Коди	
	Олувчининг ҳисоб рақами		
	Тўловчининг исми шарифи ва манзили		
	ҳисоблагич кўрсаткичидан	сана	кўрсаткич
	ҳисоблагич кўрсаткичига		
Тафовут (кв.соат)			
Тўлов миқдори			
Тўловчининг имзоси			

Келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, тўлов варақасини тўлдириш, ҳисоб-китоб ва тўловни амалга оширинг.

5. Сизнинг оилангиз қандай банк хизматларидан фойдаланишини суриштириб, рўйхатни тўлдириш.

Жавоб:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

6. Тўери жавобни топинг.

- A. Банк фақат давлат ташкилотлари учун хизмат кўрсатади.
- B. Банк аҳолига қарз бермайди.
- C. Коммунал хизматлар учун тўловни банк қабул қилмайди.
- D. Жаримани банк орқали тўлаш мумкин.
- E. Банк нақд бўлмаган пулларни қабул қилмайди.

7. Банкнинг корхоналарга кўрсатиши мумкин бўлган хизмат турларини сананг.

Жавоб:

8. Банклар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қандай қилиб таъсир кўрсата олади деб ўйлайсиз?

Жавоб:

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

ЗУЛФИЯ ЗИЁСИ



Дилда яшнаб умидим,
Кувонаман, яйрайман.
Ватанга айтиб алёр
Бу бул бўлиб сайрайман.



Менга очиб кенг кучок,
Хар кун кутар мактабим.
Билим олиб вақтим чоғ,
Нурдай кулар матлабим.

Истиқдолга минг раҳмат,
Берди мангу саодат.
Ардоқланар ёшлигим,
Бу диёрда ҳамма вақт.

Лобархон ҚОСИМОВА,
Марғилон шаҳар, Иқтисодийёт
лицейининг
11-синф ўқувчиси.



Салом «Тонг юлдузи»!

Мен Марғилон шаҳар, иқтисодийёт
лицейининг 11-синфида аъло баҳолар билан
ўқийман. Узим танлаган соҳа ўз йўлига-ю,
шеърийат мен учун янада нурли ва ойдин
йўл. Зулфия номидаги Лавлат мукофотида
менинг тенгдошларим, замондошларим
сазovor бўлишларини ўқиб завқимга завқ,
илҳомимга илҳом кўшилади. Катта журъат

билан шеърларимни сенга
йўллаяпман. Менга онам ва она
тили ўқитувчим Шарифахон
Маъмуровалар устозлик қилишяпти.
Ёзган шеърларим шаҳримиз ва
вилоят рўзномаларида чиқиб
турибди. Зулфия опамизнинг руҳи
барча ёш ижодкорларга мададкор
бўсин.

ОРЗУ

Зулфия опамдек бўлсам дейман,
Туйғулар бағрида юрсам умрбод.
Шеърийат боғида қолсам дейман,
Устозлар руҳини айлаб мангу шод.

Зулфия опамдек бўлсам дейман,
Нозик юрагимда кечса дардларим.
Вафо бўстонида кезолсам дейман,
Меҳр-оқибатдан тўлса дафтарим.

Зулфия опамдек бўлсам дейман,
Юртимни куйтасам шеърда, баётда.
Халқимнинг меҳрига қонолсам дейман,
Интилиб яшасам мангу ҳаётга.
Зулфия опамдек бўлсам дейман!..

ЁШЛИГИМ

Иқболим порлоқ кўёш,
Мен жаҳонда бахтиёр.
Нур сочаман шуъладек,
Орзуим мисли баҳор.

О"ҲНА, FERUZA, О"ҲНА!

Boshlovchi qiz dasturdagi keyingi nomerni e"lon qildi: «Endi navbat g"uzorlik umidli raqqosa Feruza Salayevaga».

Shu damda katta tomoshagoh bir zum chayqalgandek bo"ldi. So"ng qalbni junbushga keltirib, «Munojot» yangraydi. Sahnaga 11-12 yoshlardagi jingalak sochli qizaloq chiqdi. Nazarimizda, u sahnaga yurib emas, uchib chiqqandek bo"ldi. Qizchaning nozik va nafis harakatlari esa bizni olis-olislarda qolgan o"tmish hotiralariga yetaklayveradi.

Feruza Salayeva - Gluzor tumanidagi Qori Niyoziy nomli maktabning o"lquvchisi. U uch yoshligidanoq «oynai jahon» orqali namoyish etilayotgan raqslarni tomosha qilar, ularga o"zicha jo'r bo'lardi. Qizaloqdagi bu qiziqishni sezgan onasi Mavluda Salayeva Feruza bilan

astoydil shug`ullana boshladi. Unga milliy raqs sirlarini o`rgatadilar. Feruzani bog`chada o`tkaziladigan tadbirlarga qatnashtiradilar. Endilikda Feruza maktbda «a`lo» baholarga o`qiyapti. Shu bilan birga maktabda tashkil qilingan «badiiy havaskorlar» to`garagiga qatnashadi.

U Respublikada o`tkazilgan badiiy jamoalar ko`rik tanlovlarining sovrindori bo`ldi. Tuman va viloyat televideniyesi Feruza haqida ko`rsatuv tayorlashdi.

Feruza nafaqat o`zbekcha raqslarni, balki, turccha, afg`oncha, ozarbayjoncha raqslarni ham maromiga yetkazib ijro etadi. Uning har bir raqsini tomosha qilar ekansiz, shu murg`akkina vujudda iste`dod va qobiliyatdan tashqari allaqanday



ilohiy qudrat ham borligini sezasis.

-Bo`sh vaqtlaringizda raqsdan tashqari nimalar bilan shug`ullanasis? -so`rayman

Feruzadan.

* Sh`er o`qishni yoqtiraman. Undan keyin o`zim ham sh`erlar yozishni mashq qilib turaman.

-Hoynahoy katta bo`lganingizda ajoyib raqqosa bo`lsangiz kerak?

* Yo`q, shifokor bo`lmoqchiman. Yaxshi doktor bo`lib, odamlarni davolamoqchiman. Baribir, o`shanda ham raqsni tashlamayman. Chunki, raqs mening doimiy hamrohim. Feruza bilan anchagina suhbatlashdim. U bilan hayrlashar ekanman, chekka bir tumanda shunday yorqin iste`dod g`unchasi borligidan vaqtlar kelib, istiqbolli yurtda yana bir umid uchquni alangaga aylanishidan dilda mamnunlik tuyg`usini tuyar ekanman, -Niyatlaring yo`ldosh bo`lsin, Feruza, degim keldi.

Abdunabi BOBOYOROV.

ЮРТИМ

Пушталарга бошимни кўйиб,
Тупроқларинг ҳидладим тўйиб,
Умрим ўтар бир сени сўйиб,
Мен сени деб яшайман, юртим.

Байроғингда ўн икки юлду,
Чақнаб турар кечаю кундуз.
Бир томонда ой кўрсатар юз,
Осмонлари нур чаман, юртим.

Жавоҳирдир менинг бу элим,
Боқий бахтим, ўз она тилим,
Келажакка пеншовдир дилим,
Истиқболнинг кучаман, юртим.
Абдували ТЎХТАЕВ.

САМАРҚАНДГА САФАР

Биз устозларимиз бошчилигида қадамжоларимизни зиёрат қилиш мақсадида, Самарқанд шаҳрига йўл олдик.

Шаҳарга кириб боришдан олдин, ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилдик. Бино ичкарасидаги ҳовлида 550 ёшга тўлган чипорлар бор экан. Чипорлар олдида булоқ оқаётган экан, булоқ сувидан яҳши ниятлар қилиб ичдик.

Сўнгра Регистон меъморий мажмуаси томон йўл олдик. Регистон меъморий мажмуаси учта катта-катта мадрасалардан иборат экан. Улар: Улугбек мадрасаси, Тиллақори мадрасаси ва ниҳоят Шердор мадрасаси. Бу мадрасаларда Темурийлар даврида диний билимлардан сабоқ берилган экан.

Яна биз Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда мажмуаси, Улугбек расадхонасида бўлдик.

Хуллас, сафар давомида қадимий қадриятларимизни кўриб, улардан баҳраманд бўлдик ва маънавий озуқа олдик.

Васила АКБАРОВА,
Ўз. Д. Ж. Т. У қошидаги
академик лицейи ўқувчиси.



Қосим амаки билан Тожихон шопилганларича пул алмаштиргани кетишди. Мақсуд мактабга жўнади. Мактабда ҳам дув-дув гап. География ўқитувчиси пул алмаштиргани кетган экан. Она-тили ўқитувчиси Маҳмуджон Мирзаев дарс ўтди. Болалар янги пул ҳақида сўрашган эди. Маҳмуджон Мирзаев яхшилаб тушунтириб берди. Дарс тутагач, Мақсуд уйга келса ҳали амакиси билан холаси ўйга келишмабди. Улар хуфтонда хориб-чарчаб, аммо хурсанд бўлиб қайтишди.

- Бу пул қадри бўлар экан,- деди Қосим амаки янги пулни кўздан кечирар экан. Пул алмаштирадиган жой тўполоқ, одам ўлди эмиш. Одамлар қоп-қоп пул олиб бераётган эмиш. Аммо ҳар бир кишига белгилангандан ортиқ пул алмаштириб берилаётган эмиш. Шунинг учун тўполоқ эмиш.

- Ҳалиги қоп кўтарган қаерда ишлайди?- деди Тожихон.

- Тайёблов бўлимида. Уни қарагин, бир қоп пул-а. Шунча пулни қаердан олгану нега сақлаётганига кишининг ақли етмайди.

- Эй қизиқ экансиз чол, сиз билан менга ўхшаганларни қоп қақшатиб тўплаган пулларида. Мана нима бўлди. Энди уларни сувга оқизади-да. Айтадилар-ку сувники сувга қатиқнинг пули қолди ёнга, деб. Бунақа текихўрлар баттар бўлсин.

Ҳа, Тожихон шаҳар кўрган аёл. У кўп нарсага ақли етади ва биладди. Шунинг учун ҳам бу пул алмаштиришлар кўпгина ҳаромхўрларни адоий тамом қилишини билар эди. Кейинчалик маълум бўлишича пулини алмаштира олмаганларнинг пули қоп-қоп экан. Айримлари касал бўлиб пул талвасасида бўлиб қолганлари ҳам оўлди. Лекин Тўрақўрғонда бунақаси учрамади.

Мана, Қосим амаки ўртаҳол деҳқон. Унинг ортиқча пули, мол-дунёси йўқ. Тошкентга ҳам ота-

бола зўрга бориб келишди. Тўғри, Қовунчида бир ҳафта ичида Муҳаммаджон домланикида яшади. Аммо бу ерда ҳам кўп туролмади, чунки кўз олдида у билан бирга юрган асранди ўғли Мақсудни ўйларди. Мусофир юртда бирор нима бўлиб қолсам ўзга юртда сарсон-саргардон бўлиб қолиб кетадими, деди-да, Муҳаммаджон домла билан хайрлашиб бир йўла

келгани борди. Мақсуднинг мактаби таътилда бўлгани учун уни ҳам олиб борди. Опаси, акаси ва энг муҳими ўғли Ортиқбой тирик экан. У ҳаммадан ҳам ўғлини кўриб қувончи ичига сиғмай хурсанд бўлди. Чунки уни Тўрақўрғонга олиб кетса, эрининг катта боғи бор. Кейин у ерда бир ўзим яшаб мусофир бўлиб қолмайман, деб ўйлади. Ахир ёши қирқдан ошяпти, бутун умри

у бу томонга сира келмади.

Орадан бир ярим йил ўтди. Ёз ўтиб куз келди. Кузга бориб Қосим амакининг оёғи оғриб, зўрайиб кетди. Эрта туради, кеч ётади, Тожихоннинг фикру хаёли эри бўлиб қолди. Бош қашишга қўли тегмайди. Илгари шаҳарга бориб мева-чева сотиб келадиган Тожихон Наманганга ҳам боролмай

ўша томонга боришлигини тавсия қилди. Дард ботмонлаб келади-ю, мисқоллаб чиқади, деганларидек кейинчалик врачларнинг дори-дармонлари ҳам Қосим амакига қор қилмайдиган бўлиб қолди. Қанчадан-қанча дори ичмади, дейсиз. Ҳаммаси уруш касофатининг қолдиғи, унинг одамларда қолдирган асоратидан бири эди.

Қосим амаки атрофга қараб, тўймайди асло. Ҳаммаси, унинг кўзига оловдек кўринади. Ахир бу биноларнинг кесагини пешона тери тўкиб, битталаб кўйган эди. Юзга яқин мирзатеракларнинг айримлари кетмон сонидек бўлиб қолган эди. Наҳотки, дунёдан фарзандсиз ўтганига яраша, хотинининг ўғли келиб, ҳеч бўлмаганда бир марта бўлсаям «Дада!» демадия! Ҳаммадан ҳам Тожихоннинг ўғлини кутиб ўтган умрига ачинади.

Мақсуд амакисининг пешонасини силаб, терларини артиб ўтирган эди, унга хиёл қаради-да, «Холонгни чақир», дегандай ишора қилди. Мақсуд ташқарига чиқиб қараган эди, у кўринмади. У ташқарига чиқди. Тожихон эса ташқарида Умриниса хола билан нималарнидур суҳбатлашиб ўтирган экан.

- Ота яхшимилар? - сўради Умриниса хола.

- Сизни амаким чақиряптилар,- деди Мақсуд Тожихонга.

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

МЕРРОС

№ дан № га

Тошкентни ҳам кўриб кетмоқчи бўлиб шаҳарга келди. У Бешёғочдаги фронтда бирга хизмат қилган ўртоғи Эгамназарникида тунади. У ерда бозорда ишлаётган Тожихон билан танишди-да, гўё барча ишлари биттандек яна Тўрақўрғонга уч киши бўлиб йўлга тушишди.

УШАЛМАГАН ОРЗУ

Тожихон пулларни алмаштириб олгач, орадан анча вақт ўтгач, Қосим амакидан сўраб О л т и а р и қ қ а , қариндошларини кўриб

мусофирчиликда бўлиб эндиги пайтда ҳам бошқа районда яшаётгани унга бироз алам қилар эди-да. Шунинг учун ўғлини ёзи билан бирга бўлишини истаб қолган эди.

Афсуски ўғли унинг бу илтимосини рад қилмасда, «хўп, онажон, ўйлаб кўраман. Мен онам борлигини сира тасаввур қилмагандим. Дадам «Ованг йўқ, улар сургун бўлиб кетипган» дердилар холос. Бошқа ҳеч нарса демасдилар. Яқинга келиб қолибсиз-ку, бирор кун борарман», деб онасини юпатиб жўнатган эди. Лекин

қолди. Олма, анорларни териб омборга жойлаб олди. Бироқ уларни сотиб, эрига дори-дармон олиши керак. Бозорга эса боролмаяпти. Бунинг устига ўтин-кўмир ғамлаш керак. Ўғлининг келмаганидан ҳижолат чеккан Тожихон ўғли ҳақида оғиз очмайдиган бўлиб қолди. Қосим амакининг касали зўрайса зўрайди-ки, пасаймаяпти. Тожихон уйдан эшикка чиқолмайдиган бўлиб қолди. Қосим амакининг бетоблигини эшитган Миллакудинглик бир дўсти уни кўргани келиб, дарёнинг уёғида иссиқ сув борлигини,



У. АБДУАЗИМОВА сўзи
С. АНВАРОВ куйи

ХАВОТИР

Асқар деган бола бор,
Қилиғи хўп ола бор.
Аланг-жалангдир ҳамон,
Ясагани ёй-камон.

Рогаткаси кўйнида,
Қушлар овлаш ўйида.
Далаю боғ кезади,
Қушлар ундан безади.

Кўнғиз, кирпи, тошбақа,
Ари ҳам ундан хафа.
Ниначи-ю капалак,
Чумоли жони ҳалак.

Асқар полвондан кўрқиб,
Асқар полвондан хурқиб.
Бариси қочиб борар,
Ов сириш очиб борар.

Асқар деган боладан,
Қилиғи кўп оладан,
Кўрқич бўлса шунчалик,
Хурқич бўлса шунчалик.

Шу зайлда кетса иш,
Ташвиш устига ташвиш!..
Тезда боғ бўнаб қолар,
Айтинг, унда не бўлар?

Муштарак рақс

Allegro

Асқар деган бола бор,
Қилиғи хўп ола бор.
Аланг-жалангдир ҳамон,
Ясагани ёй-камон.

Кўнғиз, кирпи, тошбақа,
Ари ҳам ундан хафа.
Ниначи-ю капалак,
Чумоли жони ҳалак.

Асқар полвондан кўрқиб,
Асқар полвондан хурқиб.
Бариси қочиб борар,
Ов сириш очиб борар.

Асқар деган боладан,
Қилиғи кўп оладан,
Кўрқич бўлса шунчалик,
Хурқич бўлса шунчалик.

Шу зайлда кетса иш,
Ташвиш устига ташвиш!..
Тезда боғ бўнаб қолар,
Айтинг, унда не бўлар?

Muhtor HUDOYQULOV

JALOLIDDIN MANGU G'OLIB



Ma'lumki, Sulton Jaloliddin otasi Sulton Muhammadning vafotidan keyin qo'shin to'plab, mo'g'ullarga anchagacha dahshat solib turdi. U Xurosonning G'azna yaqinidagi Parvona degan joyda Chingizxonning o'g'li To'luxon boshliq mo'gul askarlarini yengib, tum-taraqay qilib yuboradi. Uning bu g'alabasi shu qadar kuchli bo'lgan ediki, bundan xabar

topgan Chingizxon tahlikaga tushib, shaxsan o'zi o'g'li To'luxonga yordamga shoshiladi. Ammo afsuski, Jaloliddin qo'shinida bo'lib o'tgan arzimagan janjal shahzodaning Chingizxon bilan bo'ladigan jang maydonini tashlab ketishga majbur qiladi. Voqea bunday bo'lgan edi: Xorazmshohning mo'tabar amirlaridan Sayfiddin bilan Hazora maligi o'lja tushgan mo'gul otini talashib qoladilar. Hazora maligi Sayfidinning otiga jahl bilan bir necha qamchi uradi. Jaloliddin esa bu nizoga e'tibor bermay, o'z vaqtida bartaraf etmaydi. Amir Sayfiddin hafa bo'lib, o'zining o'ttiz ming askarlari bilan tog'larga ketib qoladi. Hazora maligi ham jang qilishdan bosh tortadi. Ular tomonga esa kimu-kim - shaxsan Chingizxonning o'zi qo'shin boshlab kelayotgandi. Yuqoridagi bema'ni nizo sababli qo'shini keskin kamaygan Jaloliddin chekinishga majbur bo'ladi va Sind daryosi bo'yida butun qo'shini, ahli harami, bor budidan ayrilib, arang daryodan suzib o'tadi va keyinroq daydib yurgan kurdlar qo'lida bekordan-bekorga halok bo'ladi.

Hah, o'shanda qurib ketgur otni talashishmaganlaridami? O'zbeku-turkka hos- o'zim bo'lay, degan man-manligu, xudbinlik o'rnini Vatanga sodiqligu fidoyilik olgandami? Afsuski, bunday bo'lmadi. O'shanda shahzoda Jaloliddinning yengilishiga sabab bo'lgan nafsumanfaatparastlik hamon-hamon g'olib...

SHAHZODA JALOLIDDINNING MUSHTI

Xorazmshohning o'g'li shahzoda Jaloliddinning mardliklari, ming shukrki, muarrixlarimizning sharofati bilan bizlarga yetib keldi. El talangan, mamlakat g'orat qilingan, podshoh qo'rqib qochgan, ne-ne amaldorlar xoinlik qilgan medhish bir zamonda u o'z xalqiga sodiq qoldi. To so'nggi nafasigacha yov bilan olishdi, jang qildi. Mana, uning Sind daryosi bo'yidagi so'nggi jangi: Haddan tashqari ko'p, son-sanoqsiz mo'g'ullar qo'shini Jaloliddin boshchiligidagi bir necha xorazmiylarni tobora o'rab, yanchib kelmoqda. Orqada daryo, oldinda esa yov. Jaloliddin va uning safdoshlari so'nggi imkoniyatgacha jang qilishdi. Shahzoda ertadan to kech tushguncha bir zum tinmay, u yoqdan bu yoqqa ot surib duch kelgan yovni qilichlayapti. U shu qadar jasorat, shu qadar mohirlik bilan urushardiki, bunga dushman ham tan berdi. Jangni kuzatib turgan Chingizxon Jaloliddinning jasurligiga qoyil qolib, uni o'ldirmaslikni, tirik tutishni buyurdi. Shu boisdan o'rov tobora qisilid kelardi. Jaloliddinning askarlari birin-ketin halok bo'lardilar. Najot yo'qligini bilgan Jaloliddin o'ziga qarashli haram- ahli ayoliyu, bolalarini daryoga tashlatdi. Keyin o'zi tik jarlikdan otini daryoga sakratdi va tezlikda narigi qirg'oqqa chiqdi. U daryodan uzoqlashar ekan, mo'g'ullarga qo'lini musht qilib o'qtaldi-yu, keyin ko'zdan g'oyib bo'ldi. Buni ko'rib turgan Chingizxon «Otdan o'g'il tug'lsa, shunday tug'lsin» -deb yubordi.

Men bu manzarani ko'z oldimga keltirar ekanman, Jaloliddinning mushtini o'ylayman. Bu musht qochganningmas, quvganning, mag'lubning emas, g'olibning mushti edi. To'g'rilikning, haqiqatning mushti edi, mardlikning, oriyatning, o'g'il bolalikning mushti edi. Turkning, o'zbekning bosqinchi yovga, dushmanga ko'rsatgan mushti edi. Bu musht- Jaloliddinning mushti edi.

SHAHZODALAR TIZ CHO'KMAYDILAR

Xorazmshoh Sulton Muhammadning o'g'li mashhur sarkarda Jaloliddinning qissasini ko'p eshitganmiz. Ammo tarixiy kitoblarda uning ukasi Rukniddin haqida ham hikoyatlar qolgan.

Ma'lumki, Xorazm shoxi Sulton Muhammad sharqdan mo'ri malahday yopirilib kelayotgan mo'gul qo'shinlariga qarshi lashkarlarini to'plab, jang qilish o'rniga vahimaga tushib, janubga-Xuroson tarafga jon saqlash uchun qochgan. Shohga Jaloliddindan boshqa o'g'illari ergashadilar. Kichik shahzoda Sulton Rukniddin otasining topshirig'iga binoan Xurosonning Feruzko'h qal'asiga o'rnashib oladi va Chingizxonning o'g'li

keladilar. Lashkar sardori shahzodani To'lixon oldida tiz cho'ktirishga, unga ta'zim hajo keltirishga qancha urinmasin, Sulton Rukniddin bundan bosh tortadi. Shu ishni taklif qilgan odamlarning barcha urinishlari zoye ketadi. Shahzoda har qanday taqdirga ham uni o'lim kutayotganini tushunib yetib, yovga bosh egmaydi va o'z qatlini mardona kutib oladi.

Ha, shahzoda Jaloliddinning ukasi shahzoda Rukniddin dushman oldida tiz cho'kmaydi. Bu haqda hazrat Sulton Ulug'bek «To'rt ulus tarixi» asarlarida faxr va g'urur bilan



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШИ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзапўлат
ТОШПЎЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Феруза ОДИЛОВА,
Эргашвой САРИҚОВ,
Баҳодир ҲАЙДАРОВ,

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатига
офсет усулида 43.351
нускада bosилли.
Ҳажми 2 bosма табоқ.
Буюртма - К-74-21.
Газетани РЕНТИУМ-III
тих компьютерида
А.АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилими
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.